УДК: 631.6 (575.1)

ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒОРИШ ТИЗИМИ МОДЕРНИЗАЦИЯСИ ТАРИХИДАН

О. К. Комилов, Ғ. М. Ҳайдаров

Мақолада истиқлол йиллари Ўзбекистондаги ирригация тизимининг модернизация қилинишига муҳим эътибор қаратилиши, соҳанинг замонавий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланиши, сув ресурсларининг муҳофаза қилиниши, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, гидротехник иншоотларнинг реконструкция қилиниши, таъмирланиши ҳамда унга капитал маблағлар сарфлашнинг йилдан-йилга ортиб бориши масалалари бирламчи манбалар, илмий адабиётлар, интернет материаллари ва статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *ирригация, сув танқислиги, томчилатиб суғориш, мелиорация, модернизация, кредит, суғориш канали, реконструкция, гидротехник иншоот.*

В статье на основе архивных источников и научной литературы, интернет материалов и статистических данных освещены уделяемое большое внимание правительством к модернизации ирригационной системы Узбекистана в годы независимости, обеспечение отрасли современным оборудованием и техникой, вопросы охраны водных ресурсов, мелиоративного состояния орошаемых земель, процессы реконструкции и ремонта гидротехнических сооружений, увеличение из года в год капитальных вложений в данную отрасль.

Ключевые слова: *ирригация, маловодье, капельное орошение, мелиорация, модернизация, кредит, оросительный канал, реконструкция, гидротехническое сооружение.*

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби сув хўжалиги тизимида ҳам муҳим ислоҳотлар ва бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда республика суғориш тизимида сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳадаги модернизация жараёнлари йилдан-йилга аста-секин такомиллаштирилмоқда. Айнан шу даврда тизимни тараққий эттириш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш мақсадида бир қанча қонунлар ишлаб чиқилди ва улар ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга бағишланган. Мазкур қонун унинг 111-моддасида қайд этилганидек, “Сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг бош ва ҳавза жадваллари аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг сувга бўлган истиқболдаги эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек, сувни муҳофаза қилиш ва сув етказадиган зарарли таъсирларнинг олдини олиш учун амалга оширилиши лозим бўлган асосий сув хўжалиги тадбирларини ва бошқа тадбирларни белгилаб беради” [1. Б. 45]. Айни ислоҳотлар жараёни амал қилаётган пайтда мамлакатни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у биринчи навбатда республикада истиқомат қилиб келаётган келажак авлодни табиий ресурслар имконияти ҳамда атроф-муҳитнинг маъқул мувозанатини сақлаш, уларнинг талабларини ҳамда эҳтиёжларини қондириш мақсадида ижтимоий-иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал қилишга замин яратади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий самарадорлигини оширишни таъминлаш кўп жиҳатдан мазкур ишни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосига боғлиқ. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бу масалага жиддий эътибор қаратила бошланганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Жумладан, табиатни ва сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини яратиш ва шу соҳага доир қонунларни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бевосита 2 та моддаси айнан шу масалага бағишланган. Масалан, Асосий қонуннинг 50-моддасида: “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” [2. Б. 10] ҳамда унинг 55-моддасида: “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир” [2. Б. 11] дея таъкидланган. Айнан Конституцияга мувофиқ равишда бир қатор қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Хусусан, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги ҳамда “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлар бевосита табиат ва сув ресурсларини муҳофаза қилишга йўналтирилган. Бинобарин, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда сув ресурсларини муҳофаза қилиш масаласига урғу берилган бў-

либ, унинг ўн тўққизинчи бобида оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланиш масаласи келтирилган. Яъни унинг 73-моддасида: “Оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланишга рухсат берувчи идоралар, саноат, коммунал-маиший, зовур сувларини ва бошқа оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланиш қонунларига мос ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги органларининг давлат санитария назорати, қонунчилик назорати давлат органлари геология ва минерал ресурслар органлари билан келишиб, берган рухсатига биноан йўл қўйилиши мумкин” [1. Б. 39].

Алоҳида эътибор қаратадиган бўлсак, глобаллашув жараёни тобора кескинлашиб бораётган дунё мамлакатларида бир неча йиллардан буён глобал муаммо, табиий сув ресурслари ва сув танқислиги масалалари халқаро аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Хусусан, ҳар йили анъанавий тарзда 2 февраль куни жаҳон ҳамжамияти томонидан муҳим сана – Бутунжаҳон сув-ботқоқли ҳудудлар куни (World Wetlands Day) сифатида нишонлаб келинмоқда. Бевосита ана шу доирада қабул қилинган Рамсар (Эрон) конвенциясига Ўзбекистон 2001 йилда аъзо бўлган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 30 августдаги 278-сонли қарори асосида). Ушбу Конвенция республикада 2002 йил 2 февралдан кучга кирган. Шу билан бирга, жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини сув масалаларига, тоза ичимлик сувига талаб муҳимлиги, тоза ичимлик сувидан барқарор фойдаланиш услубларини тарғибот қилиш масалаларига жалб этиш мақсадида БМТ Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясининг (Рио де Жанейро шаҳри, 1992 йил) қарорига мувофиқ, ҳар йили 22 март – Бутунжаҳон Сув ресурслари куни (World Water Day) сифатида нишонланиб келинади. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 20 декабрда бўлиб ўтган 69-ялпи йиғилишида қабул қилинган A/RES/65/154-сонли Резолюцияга мувофиқ 2013 йил “Сув бўйича ҳамкорлик халқаро йили” (“International Year of Water Cooperation”) [3. Б. 7] деб эълон қилинди. Унда сув бўйича БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, давлатлар ва манфаатдор томонларнинг кенг қамровли ҳамкорлиги ҳамда мулоқотини кучайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Суғориш тизими технологиясини замонавийлаштириш ва унга сармоялар сарфлаш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, охирги 10 йилда Ўзбекистондаги суғориш тизимини техник ва технологик қайта қуриш, янгилаш учун умумий қиймати 1,2 млрд. доллардан ортиқ инвестицион лойиҳалар бажарилди [4]. Бундан ташқари, Ўзбекистон Ирригация ва Дренаж бўйича Халқаро Қўмита, Бутунжаҳон Сув Кенгаши, Сув Ресурсларини Ривожлантириш ва Бошқариш бўйича Ислом Давлатлараро Тармоғи, Йирик тўғонлар бўйича Халқаро комиссия каби халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Таассуфки, бугунги кунда дунёнинг 1 млрд. дан кўпроқ аҳолиси тоза ичимлик суви етишмаслигидан қийналмоқда [5]. Бутунжаҳон Сув Кенгаши ташкилотининг маълум қилишича, 2050 йилга бориб дунё аҳолисининг учдан икки қисми чучук сув танқислиги муаммосига дучор бўлади. Шу боисдан сув ресурсларини тежаш ва уларни ишлатишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик муҳим масалалардан бирига айланди.

Эътироф жоизки, Ўзбекистоннинг қулай географик иқлим шароитида жойлашгани узоқ йиллардан буён суғорма деҳқончиликни унинг иқтисодий ривожланишидаги асосий омиллардан бирига айлантирган. Негаки, республикада ҳозирда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 98 фоизи суғорма деҳқончилик ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бирга, республиканинг бугунги кундаги суғориш тизими ҳолати ва имкониятларини бевосита таҳлил қиладиган бўлсак, “ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 4,3 млн. *га* суғориладиган ерлар мавжуд бўлиб, уларга хизмат кўрсатувчи 180 минг км каналлар тизими, 140 минг коллектор-дренаж тармоқлари, 1600 дан ортиқ гидротехника иншоотлари фаолият кўрсатмоқда. Бу иншоотларнинг 800 таси йирик гидротехника иншоотлари, 588 таси насос станциялари, 55 таси эса сув омборлари саналади (сув омборларининг 30 таси Амударё ва 25 таси Сирдарё дарёларининг ҳавзасида жойлашган)” [6. Б. 2]. Шу туфайли, айни пайтда республика экин майдонларини соз ҳолатга келтириш ва ер ости сизот сувлари сатҳини меъёрида ушлаб туриш ишлари 3475 та тик зах қочириш қудуғи ҳамда 123 та мелиоратив насос станцияси орқали бажарилиши йўлга қўйилган. Юқорида қайд этилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакат аграр сиёсатида қишлоқ хўжалик истеъмолига киритиш мумкин бўлган ерларни суғориш, ўзлаштириш ва суғориладиган экин майдонларига ишлов бериш ва парваришлаш ирригация тизимини жадаллаштиришдаги асосий масалалардан ҳисобланади [7].

Ана шу муҳим жиҳатларни изчил бажариш ва сув хўжалигини бошқаришни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 21 июлда “Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги [8. Б. 25–26] Қарорни қабул қилди. Унга кўра, республика ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-ҳудудий принципидан ҳавза принципига ўтиш асосий мақсад қилиб белгиланди. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг асосий вазифаларига эса сувдан фойдаланишнинг бозор принциплари ва механизмларини

жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишни ташкил этиш, илғор технологияларни жорий қилиш асосида сув хўжалигида ягона техника сиёсатини ўтказиш, ирригация тизимлари ва сув хўжалиги иншоотларининг техник ишончлилигини таъминлаш масалалари киритилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, ирригация иншоотларини барпо этиш ва уларни таъминлаш ҳамда реконструкция ишларини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан 2007 йил 29 октябрда “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон имзоланди [9]. 2013 йил 19 апрелда ушбу фармонга айрим қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Мазкур фармонда белгиланган “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро очиқ коллекторлар ва улардаги иншоотларни, ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини, вертикал дренаж қудуқларини, мелиоратив насос станциялар ва кузатиш тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш” [10. Б. 36–37] тадбирларини бажариш катта аҳамиятга моликдир. Мазкур белгиланган топшириқларга монанд равишда кейинги йилларда суғориладиган ерлар сифатини янада яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, бунинг асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ишлашини таъминлаш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб келинди ва бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Шу билан бир қаторда республика ҳудудларидаги кўпгина суғорма майдонлар асосан сув чиқмайдиган ерларда жойлашган. Сув чиқмайдиган ҳудудлардаги экин майдонларини томчилатиб суғоришни йўлга қўйиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни суғориш тармоғига жалб этиш тобора такомиллашиб бормоқда. Ана шу талабларни амалда бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [11. Б. 9] Қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш амалий ҳаракатлари белгиланди. Ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини полиэтилен плёнка қопланган эгатлар бўйича, қаторлар орасига ишлов берган ҳолда суғориш, уларни асосан томчилатиб суғориш тизимини қўллаган ҳолда суғоришни йўлга қўйиш, вегетация даврида сув ресурслари ўртача кўп йиллик тақчил бўлган суғориладиган ер участкаларида, шунингдек, суғориш сувини юқорига кўтаришда катта харажатлар қилинадиган машина билан суғориладиган ерларда, ирригация эрозиясига учраган катта нишабли ер участкаларида, шўрланмаган ва шўрланишга мойил бўлмаган енгил тупроқли текис ер участкаларида устувор тартиб билан адо этиш мўлжалланди. Мазкур қарор мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб суғориладиган майдонларнинг барча зоналарида қишлоқ хўжалик экинларини кўчма эгилувчан суғориш қувурлари орқали нисбатан тоза сув билан суғориш ва уларни сифонлардан фойдаланган ҳолда суғориш лоток ва кўтарма каналлардан сув олинадиган барча ерларда уддаланди. Бу эса ўз навбатида мамлакатда суғориш соҳасининг тараққий этиб бораётганлигидан далолат беради.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги “2013 – 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги [12. Б. 64] Қарорида қайд этилишича, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастури доирасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда 264,0 минг *га* суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, бу эса мавжуд 163,7 минг *га* нинг сув таъминотини ошириш имконини берди.

Ўзбекистонда истиқлол йиллари ирригация-мелиорация ишларини ривожлантириш ва тизимнинг молиявий таъминотини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги [13] Қарорига мувофиқ равишда Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида айнан 2017 йилда ишлаб чиқилган 13 та лойиҳа бўйича 181,49 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги молиявий ва кредит маблағларини ўзлаштириш режалаштирилди ва мазкур лойиҳалар бўйича айни шу йили 198,77 млн. АҚШ доллари (109,5%) миқдорида капитал маблағлари йўналтирилди ҳамда ўзлаштирилди. Хусусан, ирригация тизимини ривожлантиришга йўналтирилган сарф-харажатлар қуйидаги босқичлардан иборат бўлди:

1. Бевосита Ислом тараққиёти банки ташаббусчилигида “Хоразм вилоятидаги Тошсоқа тизимига тегишли магистрал ирригация каналларини қайта тиклаш” лойиҳаси биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 ноябрдаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 августдаги қарорлари асосида уддаланди. Шу билан бирга, бу ердаги суғориш тадбирларининг умумий қиймати 144,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, ундан 90,37 млн. доллари Ислом тараққиёт банкининг кредити, қолгани эса республика ҳукуматининг улушидан иборат бўлди. Шу сабабли айнан 2017 йилда 17,98 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди. Таъкидлаш жоизки, лойиҳа бошидан 146,2 км узунликда магистраль ва хўжаликлараро каналлар қайта реконструкция қилинди, янги 263 та гидротехник иншоот қурилди ва фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 4356341 м³ ҳажмида тупроқ ишлари, 80029 м³ ҳажмида эса темир-бетон ишлари, 6999 м³ ҳажмида тош ишлари, 230 тонна металлоконструкция ишлари адо этилди.

2. “Аму-Бухоро машина канали тизимини қайта тиклаш” лойиҳасига Осиё Тараққиёт банки ҳомийлик қилиб, у Республика Президентининг 2014 йил 28 мартдаги ҳамда 2015 йил 25 августдаги қарорларига мувофиқ равишда бажарилди. Мазкур канални қайта тиклаш мақсадида амалга оширилган лойиҳанинг умумий қиймати 406,29 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, бу кўрсаткичдан 216,75 млн. доллари Осиё Тараққиёт банки кредитини, 108,97 млн. доллар Япониянинг машҳур JICA жамғармаси маблағини, ҳукумат улуши эса 80,57 млн. долларни ташкил этди. Шунингдек, 2017 йилда 6,68 млн. доллар ҳажмида маблағларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига 15,72 км ирригация каналлари тўла тозаланди, 68 та гидротехник иншоот ва 12 та кузатув қудуқлари қайтадан тикланди, суғориладиган майдондаги 59,9 гектар ер лазер ёрдамида мутасаддиларга бўлиб берилди.

3. Жаҳон банки ҳамкорлигидаги “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш” тараққиёт лойиҳаси Республика Президентининг 2015 йил 24 мартдаги қарори асосида амалга оширилиши йўлга қўйилиб, унинг умумий қиймати 376,714 млн. доллар бўлиб, шундан 161,8 млн. АҚШ доллари республика ҳукуматининг улушини ташкил қилди, 214,9 млн. доллар Жаҳон банкининг қарз маблағларидан иборат бўлди [14]. 2017 йилда 2,58 млн. доллар ҳажмида сармоялар харажатланиши натижасида Ўнг қирғоқ каналида 3 дона сув тўсувчи гидротехник иншоот қайтадан таъмирланди, янги 3 дона сув олиш иншооти қурилди, 15,0 км узунликдаги қисми эса турли механизмлар кўмагида тозаланди ва Оққамиш каналида бир дона узунлиги 106 м. га тенг бўлган темир қувурли акведук (осма қувур) барпо этилди.

4. Жанубий вилоятлардаги ирригация тизимини тараққий эттиришга мўлжалланган “Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Хазарбоғ-Оққопчиғай каналлар тизимини қайта тиклаш)” лойиҳаси ҳам халқаро Ислом тараққиёт банки мутасаддилигида ҳамда Биринчи Президентнинг 2015 йил 7 апрелдаги қарорига мувофиқ тарзда амалга оширилди. Бу лойиҳа 122,72 млн. доллар қийматига эга бўлиб, ундан 33,17 млн. доллари республиканинг улуши, қолган қисми эса Ислом тараққиёт банкининг қарз маблағларини ташкил қилди. Таъкидлаш ўринлики, айнан 2017 йилда республикада 0,53 млн. доллар кредит маблағлари сарфланди. Бугунги кунда ҳам ушбу лойиҳа асосида бош пудратчини аниқлаш бўйича тендер жараёнлари босқичма-босқич равишда олиб борилиши йўлга қўйилган.

5. Халқаро ваколатларга ва имкониятларга эга бўлган Жаҳон банки кўмагида “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш” бўйича иккинчи босқич лойиҳаси Республика Президентининг 2015 йил 16 сентябрдаги қарори асосида бажарилди. Бундан кўриниб турибдики, айнан истиқлол йиллари суғориш тизимининг модернизацияси борасида, ирригация иншоотларини реконструкция қилиш мақсадида бир қатор муҳим тадбирлар қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича устувор йўналишларида ҳам суғориш тизими модернизациясига оид жумлалар мавжуд бўлиб, жумладан, унда “суғорма майдонларни мелиоратив жиҳатдан яхшилаш, ирригация иншоотларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига доир интенсив усулларни, биринчи навбатда, сув ҳамда ресурсларни тежайдиган илғор агротехнологияларни татбиқ этиш ва унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан самарали равишда фойдаланиш” [15. Б. 34] каби вазифаларни тизимли асосда бажариш белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 20 апрелда қабул қилинган “2017 – 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги [16] Қарорида юқорида кўрсатилган йиллар мобайнида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимида муҳим ўзгаришлар қўллаш ҳамда бу соҳада модернизациялашни йўлга қўйиш, сув таъминоти соҳасида тегишли ахборот технологияларини қўллаш мақ-

сади белгиланди. Шунингдек, мазкур қарорга кўра кейинги олти йилнинг ўзида 13 минг км.га яқин бўлган муҳим сув қувурлари ва водопровод тармоқлари, 1,6 мингдан кўпроқ сув чиқариш қудуқлари, 1,4 мингта сув ресурслари босимини ҳосил қиладиган янги минора ва резервуарлар қурилди ҳамда реконструкция қилиниши йўлга қўйилади. Натижада халқаро молия ташкилотларининг тегишли грантлари ва мақсадли кредитларини жалб этиш ҳисобига ичимлик суви билан таъминланмаган кўпгина аҳоли пунктлари сифати ва хавфсизлиги бўйича замонавий талабларга мос келадиган сув билан таъминланади. Айрим минтақаларни, энг аввало, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларини сифатли ичимлик суви билан таъминлашнинг бир қанча ечилмаган муаммолари ҳамон сақланиб қолганлиги ҳам қарорда эътироф этилди.

Айнан шу йилнинг 4 майида Республика Президентининг “2017 – 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [17] Қарори қабул қилиниб, ундаги асосий диққат-эътибор табиий сув ресурсларидан тежамли усулда фойдаланиш, сарфланаётган сув ресурслари ҳажмини тегишли тарзда ҳисобга олишни йўлга қўйиш, уларнинг ифлосланиши ва тақчиллигининг олдини олиш ва ҳимоялашга бевосита эътибор қаратилди. Ўтган қисқа даврда республиканинг аксарият камсувли минтақаларида маҳаллий аҳолини марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Хусусан, айнан ҳозирги пайтда республикадаги 69 та йирик шаҳар, 335 та махсус посёлка ҳамда 2903 та қишлоқ аҳолиси кундалик эҳтиёжлари асосан мавжуд ер ости сувлари захиралари ҳисобидан қопланмоқда. Ушбу қарорда баъзи ҳудудлардаги ер усти сув захираларини чиқариш тармоқлари ҳамда кўплаб дренажларнинг ишламаслиги ва ишлайдиган дренаж тармоқларининг қониқарсиз ҳолатда эканлиги, ер ости сизот сувлари сатҳининг интенсив равишда кўтарилиши, шунингдек, бу ерда режали равишда махсус гидрогеологик текшириш олиб борилмаганлиги натижасида кўплаб шаҳарлар ва бошқа аҳоли турар-жойларида ер ости сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши кузатилгани, унинг салбий жиҳатлари таъкидлаб ўтилди. Ушбу қарор матнида шу билан бир қаторда кейинги 40 – 50 йил давомида саноат соҳаси ва қишлоқ хўжалигининг жадал суръатларда тараққий этиши асосан ер ости сув захираларининг табиий ҳолатига жиддий таъсир қилгани ва бу ўз навбатида сув иншоотларининг рухсат олмасдан қурилиши ва уни назоратсиз олиш оқибатида захираларнинг деярли 35 %га қисқариб боргани ҳамда айрим манбаларда сув захираларининг тугаши кузатилгани далиллар билан таҳлил қилинди.

Ирригация-мелиорация соҳаларига тегишли мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимни модернизация қилишда муҳим ўринга эгадир. Бу борада Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [18] Қарорининг қабул қилиниши катта аҳамият касб этди. Кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш масаласига бағишланган бу қарорда кейинги йиллар давомида қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш”, “Гидромелиорация ишларини механизациялаш”, “Мелиорация ва сув хўжалиги”, “Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш” каби соҳа тармоқларининг турли йўналишлари бўйича саккиз мингдан ортиқ техниклар тайёрлаб берганлиги қайд этилди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги тармоқларига тегишли мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини алоҳида ўрганиш ва таҳлиллар асосида кадрлар тайёрлашга бўлган реал эҳтиёж ва имкониятни аниқлаш, мавжуд ўқув жараёни билан амалиётнинг узвий боғлиқлигини кучайтириб бориш, илмий-методик базани ишлаб чиқишда олий ўқув юртлари фаолиятини мувофиқ тарзда бошқариш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масалаларида тегишли вазирлик, корхоналар билан олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро боғлиқликнинг мавжуд эмаслиги бўйича муаммолар кўрсатиб ўтилди.

Республика Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [19] Қарорида мамлакат сув хўжалигининг модернизацияси бўйича махсус “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва унда тизимни ҳуқуқий-норматив меъёрлар ёрдамида тартибга солишни амалга ошириш, сув ресурсларидан рационал равишда фойдаланиш бўйича истиқболли ва муҳим аҳамиятга эга бўлган ташкилий тадбирлар дастурини яратиш, йирик сув омборлари ва тўғонлар, муҳим стратегик аҳамиятга молик бўлган гидротехника иншоотлари ҳамда бошқа сув иншоотларини барпо этиш, қайта жиҳозлаш бўйича тадбирларни шакллантириш, маҳаллий аҳолининг табиий сув манбаларидан мақсадли фойдаланиши бўйича уларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини кучайтиришга қаратилган турли мазмундаги чора-тадбирларни жадаллаштириш, сув ресурсларини бошқаришга йўналтирилган ягона сиёсатни юритиш, тажрибали кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш мақсади-

да муҳим тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, халқаро нуфузли ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг сув хўжалиги ташкилотлари, биринчи навбатда эса ҳудудидан Амударё ва Сирдарё ўтган давлатлар билан глобал характердаги, Орол денгизи бўйича сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича истиқболли аҳамиятга молик ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ишлари алоҳида таҳлил этилди.

Юқоридаги қарорга асосан вазирлик тизимига бугунги кунда бир қанча ташкилотлар, хусусан, 280 та бюджет, 72 та хўжалик ҳисобидан фаолият олиб борувчи ташкилотлар бириктирилган бўлиб, уларда қарийб мазкур соҳага доир 40 минг нафар тажрибали мутахассислар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 7400 нафари суғориш тармоғига доир олий маълумотли мутахассислар, 18256 нафари ўрта махсус маълумотга эга кадрлар, 14267 нафари эса ўрта маълумотга эга бўлган ишчилардан иборатдир. Шу билан бирга, республикада сув хўжалигига кадрлар тайёрлаш, асосан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти томонидан бажариб келинмоқда. Шу боис ушбу вазирлик билан институт ўртасида тузилган истиқболли шартномага кўра, институт талабаларининг танишув ҳамда ишлаб чиқариш амалиётларини тизимга бириктирилган ташкилот ва корхоналарда амалга ошириши кўзда тутилган. Қолаверса, ирригация соҳасини етук ва малакали кадрлар билан таъминлашда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда унинг Бухоро филиалини охирги уч йилда тугатган битирувчиларнинг маълумотлар базаси шакллантирилганлиги бугунги кунда катта самара берди. Айнан ушбу ҳамкорлик натижасида 300 га яқин ёш мутахассис суғориш тизимига жалб қилинди. 2019 йилда институтни давлат гранти асосида 200 нафардан ортиқ талаба битирди ва улар республика Сув хўжалиги вазирлигининг йўлланмаси асосида тизим ташкилотларига ишга жўнатилди. Аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудлардан анча узоқда жойлашган объектларга ишга юборилганлар эса жой ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий равишда таъминланди.

2019 йилда республикадаги ирригация-мелиорация соҳаларини тараққий эттириш ва тизимни молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаш бўйича дастлабки қадам қўйилди. Ижро ҳокимияти бўлмиш Вазирлар Маҳкамасининг бевосита қарорига асосан 2019 – 2021 йилларда Тошкент вилоятининг ирригация ва мелиорация тизимини яхшилаш дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди [20]. Истиқболли дастурда қайд қилинишича, вилоятдаги экин майдонларининг сув таъминотини бугунги кунда тубдан яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан рационал фойдаланиш, соҳани аста-секин ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини доимий равишда ошириб бориш юзасидан қатор амалий ишлар, тадбирлар ўтказилди. Қисқа вақт мобайнида республика Сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар давлат қўмитаси, республика Иқтисодиёт ҳамда Молия вазирликлари, ижро ҳокимияти тасарруфидаги Суғориладиган ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш жамғармасига қарашли бўлган бошқариш департаменти жорий йилда қуйидаги чора-тадбирларни бажаришга муваффақ бўлди:

- республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштиришга қаратилган жамғарма кредитлари ва маблағлари ёрдамида суғориш тизимини яхшилашга йўналтирилган Дастурга киритилган ирригация объектлари, иншоотлари барпо этилди ва фойдаланишга топширилди;

- республика бюджети маблағлари ҳисобидан истиқболли Дастурдан ўрин олган ва унга киритилган бир қанча суғориш объектлари таъмирланди ҳамда уларда қайтадан тиклаш ишлари бажарилди;

- ижро ҳокимияти қарамоғидаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан соҳани ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар ҳисобидан ушбу Дастурга кирган мелиоратив иншоотлар барпо этилди ва уларда асосли равишда реконструкция ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда суғориш тизимини модернизация қилиш борасида сезиларли ишлар ва муҳим тадбирлар амалга оширилди. Тизимни модернизация қилиш мақсадида унга катта ҳажмда капитал маблағлар сарфланди ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб борди. Бунинг натижасида ирригация-мелиорация соҳалари замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминланди. Истиқлол йилларида республикаги экин майдонларининг сув таъминотини янада яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ошириш борасида ҳам қатор амалий ишлар бажарилди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Адолат, 2009. – № 52, 555-модда. – Б. 34 – 51.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 40 б.

3. *Юнусов Ҳ., Маматова З*. Трансчегаравий дарёлар ва йирик тўғонлар: таҳдидлар, талофотлар ва хавфсизлик чоралари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 266 б.

4. *Маҳмудов О.* Сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш ҳаётий зарурият // Ўзбекистон овози, 2013 йил 28 март.

5. *Қўлдошев Ж.* Сув манбаларидан оқилона фойдаланайлик // Ўзбекистон овози, 2012 йил 27 апрель.

6. *Жониқулов Ш., Холлиев Б., Маматов И.* Сув хўжалиги соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрлашнинг муҳим масалалари // Kasb-hunar ta'limi. – 2016. – № 2. – Б. 2 – 6.

7. *Бойназаров Д*. Мелиорация ва агротехник тадбирлар // Халқ сўзи, 2014 йил 26 февраль.

8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2003 йил 1 август. – № 14. – Тошкент: Адолат, 2003. – Б. 23 – 29.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3932-сон Фармони // Халқ сўзи, 2007 йил 30 октябрь.

10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 йил 29 апрель. – № 17. – Тошкент: Адолат, 2013. – Б. 34 – 39.

11. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 йил 1 июль. – № 26. – Тошкент: Адолат, 2013. – Б. 9 – 12.

12. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014 йил 3 март. – № 9. – Тошкент: Адолат, 2014. – Б. 62 – 68.

13. http://agro.uz./uz/information.about.agriculture.

14. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги жорий архиви // Сув хўжалиги бош бошқармасининг асосий кўрсаткичлари бўйича техник ҳисобот (2015 йил)

15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – №6 (766). 70-модда. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б. 25 – 150.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "2017 – 2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида"ги Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 22 апрель.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги "2017 – 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 6 май.

18. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – № 22. –Тошкент: Адолат, 2017. – Б.69.

19. http://www.lex.uz/docs/3687875

20. http://regulation.gov.uz.document.

FROM THE HISTORY OF MODERNIZATION OF IRRIGATION SYSTEM IN UZBEKISTAN

O.K.Komilov[1], G`.M.Khaydarov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 1(45). 49 – 57.
[1]*Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail:* agsu_info@edu.uz

Keywords: *irrigation, water shortage, drip irrigation, reclamation, modernization, credit, irrigation canal, reconstruction, hydraulic engineering.*

Uzbekistan's favorable geographical climate is one of the main factors in the economic development of irrigated agriculture for many years. After all, the country is predominantly agrarian, with 98% of agricultural production now being irrigated. At the same time, if we analyze the current state of the irrigation system of the republic, we can say that "In the recent time there are 4.3 mln. ha. of irrigated squares and also there are more than 180,000 km of canals, 140,000 collector-drainage networks, and more than 1,600 hydraulic facilities. Of these, 800 are large hydraulic structures, 588 are pumping stations, 55 are water reservoirs. (30 of them are located in the Amudarya and 25 in the Syrdarya river basins). Therefore, at present the work on the improvement of the sown areas

of the republic and normalization of the ground water level is carried out through 3475 vertical drainage wells and 123 melioration pumping stations. In the agrarian policy of the country based on the above tasks irrigation, development and maintenance of irrigated arable land, which can be used for agricultural use, is one of the main tasks in accelerating the irrigation system.

With a view to consistently implementing these important aspects and establishing water management, the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan adopted a Resolution "On Improvement of Water Management Organization" on July 21, 2003. According to him, the main goal was to move from the administrative-territorial principle of management of irrigation systems in the republic to the basin principle. The main tasks of irrigation systems basin administrations include the organization of the targeted and rational use of water resources based on the introduction of market principles and mechanisms of water use, the implementation of a unified technical policy in water management through the introduction of advanced technologies, and the technical reliability of irrigation systems and water facilities. On April 20, 2017 the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Program of comprehensive development and modernization of drinking water supply and sewerage systems for 2017-2021" was adopted. The resolution defines further development and modernization of drinking water supply and sewerage system, introduction of modern information and communication technologies in water supply. At the same time, in the last six years, about 13,000 kilometers of and water pipes, more than 1,6 thousand water reservoirs with a total of 1,4 thousand water pressure have been built and reconstructed in the last six years. As a result, it was noted that many settlements that had no access to potable water were provided with modern water quality and safety requirements, including through grants and loans of international financial institutions. At the same time, it was noted that there are still some unresolved problems in the provision of quality drinking water to some regions, especially the Republic of Karakalpakstan, Bukhara, Jizzakh, Kashkadarya, Surkhandarya, Syrdarya and Khorezm regions.

References

1. *O`zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami* (2009) [Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan. No 52, Article-555]. Tashkent: Adolat. Pp. 34-51.

2. *O`zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi* (2017) [Constitution of the Republic of Uzbekistan].Tashkent: O`zbekiston.

3. Yunusov, H., Mamatova, Z. (2015) *Transchegaraviy daryolar va yirik to'g'onlar: tahdidlar, talofotlar va xavfsizlik choralari* [Transboundary rivers and major dams: threats, damages and security measures]. Tashkent: Yangi asr avlodi.

4. Mahmudov, O. (2013) Suv resurslaridan tejamli foydalanish hayotiy zaruriyat [The rational use of water resources is vital]. *O`zbekiston ovozi*, 28th of March.

5. Qo`ldoshev, J. (2012) Suv manbalaridan oqilona foydalanaylik [Let us use water resources wisely]. *O`zbekiston ovozi*, 27th of April.

6. Jonikulov, Sh., Kholliev, Sh., Mamatov, I. (2016). Suv xo'jaligi sohasi uchun malakali mutaxassislar tayyorlashning muhim masalalari [Important issues of training qualified specialists for the water industry]. *Kasb-hunar ta'limi*. 2. Pp. 2-6.

7. Boynazarov, D. Melioratsiya va agrotexnik tadbirlar (2014) [Melioration and agro technical measures]. *Xalq so`zi*, 26th of February.

8. *O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami* (2003) [Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan. 1st of August 2003]. No 14. Tashkent: Adolat. Pp. 23-29.

9. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007 yil 29 oktyabrdagi "Yerlarning meliorativ holatini yaxhilash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-3932-son Farmoni (2007) [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 29, 2007, PD-3932 'On measures to radically improve the system of land reclamation']. *Xalq so`zi*, 30th of October.

10. *O`zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami* (2013) [Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan.29th of April 2013]. No 17. Tashkent: Adolat. Pp. 34-39

11. *O`zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami* (2013) [Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan.1st of July 2013]. No 26. Tashkent: Adolat. Pp. 9-12.

12. *O`zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami* (2014) [Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan. 3rd of March 2014]. No 9. Tashkent: Adolat. Pp. 62-68.

13. http://agro.uz./uz/information.about.agriculture

14. *O`zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligi vazirligining joriy arxivi* (2015) [Current archive of the Ministry of Water Resources of the Republic of Uzbekistan]. Technical report on the main indicators of the Main Department of Water Resources.

15. *O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada*

rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-son Farmoni (2017) [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017, PD-4947 'On the strategy of further development of the Republic of Uzbekistan']. Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan. No 6 (766). Article 70. Tashkent: Adolat. Pp. 25-150.

16. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi "2017-2021 yillarda ichimlik suvi ta'minoti va kanalizatsiya tizimlarini kompleks rivojlantirish hamda modernizatsiya qilish dasturi to'g'risida"gi Qarori (2017) [Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 20, 2017, 'On the Program of comprehensive development and modernization of drinking water supply and sewerage systems for 2017-2021']. *Xalq so`zi*, 22th of April.

17. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 4 maydagi "2017-2021 yillarda yer osti suvlari zaxiralaridan oqilona foydalanishni nazorat qilish va hisobga olishni tartibga solish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori (2017) [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 4, 2017, 'On measures for control and accounting of rational use of groundwater resources for 2017-2021']. *Xalq so`zi*, 6th of May.

18. *O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami* (2017) [Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan]. No 22. Tashkent: Adolat. Pp. 69.

19. http://www.lex.uz/docs/3687875

20. http://regulation.gov.uz.document.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Комилов Ойбек Камилович – Андижон давлат университети Фуқаролик жамияти назарияси кафедраси проф. в.б., тарих фанлари доктори. e-mail: oybek.komilov@bk.ru.

Ҳайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович – Андижон давлат университети Фуқаролик жамияти назарияси кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди. E-mail: haydarovgayratbek@mail.ru.